

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

САМИЕВ САРДОР ИСКАНДАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2021 йил

УДК: 338.486.6:330.332:665.6/.7(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Самиев Сардор Искандарович

Ўзбекистон нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолиятини
молиялаштиришни такомиллаштириш3

Самиев Сардор Искандарович

Совершенствование финансирования инвестиционной деятель-
ности нефтегазовых предприятий Узбекистана29

Samiev Sardor Iskandarovich

Development of investment activities of oil and gas enterprises of
Uzbekistan53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works58

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

САМИЕВ САРДОР ИСКАНДАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt838 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маликов Тохир Сатторович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Ҳосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳайдаров Низомиддин Хамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация химояси Тошкент Молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» 11 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент Молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (226 -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 11. кун таркатилди.
(2020 йил «09» 11 даги № 47 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К. Холмаматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н. Кўзиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш фаоллигининг пасайиши кўплаб мамлакатларда энергия маҳсулотларига талабнинг қисқаришига олиб келди. Хусусан, «2020 йилнинг апрель ойида нефть маҳсулотларининг жаҳон бўйича кунлик истеъмоли ўзининг энг паст нуқтасига етиб, ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 21,3 фоизга камайган бўлса, май ойидан нефть истеъмолининг тикланиш тенденцияси кузатилди ҳамда 2020 йил декабрь ойида пасайиш 6,6 фоизни ташкил этди»¹. Шу боис, нефть-газ корхоналаридаги инвестицион фаолиятни молиялаштириш ҳозирги аҳволини комплекс таҳлил этиш асосида унинг мавжуд нуқсонлари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг ҳар бир шакли корхона ўз капиталининг қайтимиغا, яъни инвестицияларнинг қопланиш муддатларига ва унинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларига боғлиқлиги илмий тадқиқотларда ўз исботини топган. Тадқиқотларда инвестицион фаолиятнинг самарадорлик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, инвестицион фаолиятни молиялаштиришда унинг шаклларида комбинацияли тарзда фойдаланиш усуллари тавсия этилган. Тараққий этган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Норвегия, Япония) тажрибасини ўрганиш асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бундай комбинацияларнинг бир неча вариантлари бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бироқ, жаҳонда нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида тегишли қарорларни қабул қилишда халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш ҳамда энергия ресурсларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжни таъминлашнинг муҳим омили бўлган энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда геология қидирув ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш жараёнларининг талаб даражасида бўлмаслиги энергия ресурсларига эҳтиёжни тўлиқ таъминланмаслигига, нефть-газ корхоналари молиявий ҳолатининг барқарорлаштиришга салбий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан «... молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42,0 фоизни ташкил этган»². Мамлакатимизда нефть-газ корхоналарида инвестициявий

¹ <https://cbu.uz/upload/medialibrary/e0a/Markaziy-bankning-2020-yil-uchun-hisoboti.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон қарори.

лойиҳаларни танқидий ўрганиш ва мақбуллаштириш, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини, шунингдек нефть-газ тармоғи корхоналарида молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва нарх шаклланишини такомиллаштириш бўйича кўпгина вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда мазкур йўналишда илмий-тадқиқотни амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сон «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион фаолият ва унинг давлат томонидан тартибга солиниш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг макроиқтисодий жиҳатларига Л.Гитман, Дж.Роберт, У.Шарп ва бошқаларнинг асарларида кенг ўрин берилган. Уларнинг умумиқтисодий ва шу жумладан, молиявий масалалари С.Абрамов, В.Бабушкин, Н.Батурина, В.Бочаров, Д.Ендовицкий, Э.Хазанович, Э.Михайлова, Л.Орлова, А.Нешиной, Е.Орлова, Л.Игонина, Г. Подшиваленко, Д.Шевчук, Л.Валинурова, А.Ивасенко ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган³. Шу ўринда ўзбек иқтисодий илмида инвестициялар ва инвестицион фаолиятга дахлдор бўлган масалаларни молиявий аспектда

³Гитман Л., Лоренц Дж. Основы инвестирования: учебное пособие. Пер. с англ. – М.: ДЕЛО, 1997. – 1008 с.; Роберт Дж. Х. Инвестирование. – М.: АГАТА, 2005. – 288 с.; Шарп У. Инвестиции. Пер с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 744 с.; Абрамов С.И. Инвестирование. – М.: «Экономика», 2000. – 440 с.; Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организаций: учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 376 с.; Бочаров В.В. Инвестиции. 2-ое издание. – СПб.: Питер, 2010. – 384 с.; Ендовицкий Д.А., Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С.Хазанович, А.М.Ажлуни, А.В.Моисеев. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с.; Михайлова Э.А., Орлова Л.Н. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. – Рыбинск: РГАТА, 2008. – 476 с.; Нешиной А.С. Инвестиции. – М.: Дело, 2008. – 316 с.; Орлова Е.Р. Иностранные инвестиции в России: учебное пособие / Е.Р.Орлова, О.М.Зарянкина. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд-во «Омега», 2009. – 204 с.; Игонина Л.Л. Инвестиции. – М.: Экономист, 2005. – 478 с.; Подшиваленко Г.П. Инвестиции: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2004. – 208 с.; Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. – М.: Высшее образование, 2006. – 272 с.; Валинурова Л.С. Управление инвестиционной деятельностью. Учебник. – М.: КНОРУС, 2005. – 384 с.; Ивасенко А.Г. Инвестиции: источники и методы финансирования. – М.: Омега-Л, 2007. – 254 с.

тадқиқ этишда А.Ваҳобов, Н.Ҳайдаров, А.Жўраев, Н.Каримов, Р.Хожиматов, Д.Ғозибеков, Н.Қўзиева, Ҳ.Имомов, С.Умаров, Ф.Ҳамидова, Р.Саидов, Н.Кенжаев, Г.Маҳмудова, Ш.Эргашева, А.Узоқов, Д.Хўжамқулов, Р.Қаюмов, Б.Мўминов, М.Раимжанова, М.Султонбоева ва бошқаларнинг хизматлари, айниқса, катта эканлигини қайд этиб ўтмоқ жоиз⁴.

Жумладан, Н.Қўзиеванинг докторлик диссертацияси хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари, Н.Каримовнинг худди шундай иши иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммоларига бағишланган. Шунингдек, Д.Рустамова, М.Раимжанова, Ҳ.Имомов, Р.Саидов, С.Умаров, В.Гольшев, Г.Маҳмудова, Ф.Додиев, Д.Хўжамқулов, Н.Обломуродов, Н.Кенжаев, С.Нуриддинов, Ф.Ҳамидова, М.Султонбоеваларнинг номзодлик диссертацияларида эса инвестицион муҳитни яхшилаш ва жозибадорлигини оширишнинг молиявий асослари, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, хусусийлаштирилган корхоналарда портфелли инвестицияларни жалб қилиш йўллари, уй хўжаликларида инвестициялашни

⁴ Ваҳобов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма // проф. А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари // И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: «Академия», 2003. – 30 б.; Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма // академик М.Ш.Шарифхўжаев таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2003. – 256 б.; Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011. – 800 б. Ғозибеков Д.Ҳ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 330 б.; Ғозибеков Д.Ғ., Каралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «Молия», 1993. – 144 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2006. – 296 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2008. – 38 б.; Қўзиева Н.Р. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари ва уларни такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т.: 2003. – №11-12. – Б.46-47.; Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицион муҳитни яхшилаш ва жозибадорлигини оширишнинг молиявий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2011. – 22 б.; Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2008. – 22 б.; Ҳамидова Ф.А. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в привати-зированные предприятия. Автореферат дисс. на соискание уч. степени к.э.н. – Т.: БФА, 2008. – 20 с.; Саидов Р.Б. Уй хўжаликларида инвестициялашни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2011. – 20 б.; Кенжаев Н.И. Инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2011. – 22 б.; Маҳмудова Г.И. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2010. – 22 б.; Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.; Хўжамқулов Д.Ю. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштириш // И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2006. – 28 б. Қаюмов Р.И., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 496 б. Мўминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 22 б.; Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 24 б.; Султонбоева М.Б. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 26 б.

такомиллаштириш йўналишлари, инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилишни такомиллаштириш масалалари, инвестицион сиёсатни фаоллаштириш омиллари, аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари, инвестиция фаолиятини молиявий рағбатлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаштириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хориж инвестицияларини жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари, Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, Ўзбекистон Республикасида инвестицион фондларни ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўлларига доир ва маълум даражада, инвестицион фаолиятни молиялаштиришга дахлдор бўлган муаммолар ҳам кўриб чиқилган.

Шундай бўлишига қарамасдан, юқоридаги илмий изланишларда масала кун тартибига яхлит тарзда мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш аспектида қўйилмаган, яъни уларда тадқиқот объекти сифатида республикамизнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири, яъни нефть-газ корхоналари танланмаган. Зеро, бу тармоқ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ўзига хос бўлган бир неча хусусиятларга эгадирки, улар инвестицион фаолиятни молиялаштириш ва уни такомиллаштиришга ўзининг таъсирини, албатта, кўрсатади.

Шундай қилиб, таъкидланган муаммонинг долзарблиги ва Ўзбекистон шароитида унинг нефть-газ корхоналари мисолида етарли даражада тўлиқ ўрганилмаганлиги инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари мавзусида алоҳида тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Саноат корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш орқали унинг мазмун-моҳияти, вазифалари, амалга ошириш шакллари ва принципларига иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг ҳозирги талабларига мувофиқ баҳо бериш ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг характерли белгилари ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва уни молиялаштириш амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш;

нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш, тартибига баҳо бериш, муаммолари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қарз маблағларни оқилона жалб қилиш ва маблағлардан фойдаланиш вариантларини танлаш йўналишларида нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва уни молиялаштиришга оид вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индуктив ва дедуктив, таҳлил ва синтез, муаммога мантиқий ва тизимли ёндошув, статистик ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, таққослаш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва импорт қилишда тўланадиган акциз солиқларини бирхиллаштириш орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг барқарорлигини таъминлаш асосланган;

инвестицион фаолият молиялаштиришнинг рисклилик даражасини пасайтиришда углеводород хом ашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилинадиган кредит маблағларга давлат кафолатларини жорий қилиш таклиф этилган;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни нефть-газ корхоналари устав жамғармасига давлат улуши сифатида капитализациялаш таклиф этилган;

нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларини мустаҳкамлашда суюлтирилган газ импорти учун божхона божини бекор қилиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қиёсий таҳлил ва умумий кесишув нуқталарини ҳисобга олиш асосида «инвестициялар», «инвестицион фаолият» ва «инвестицион фаолиятни молиялаштириш» тушунчаларига такомиллаштирилган муаллиф таърифлари ишлаб чиқилган;

нефть-газ корхоналарига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг характерли белгилари ва унга таъсир этувчи омиллар кенгайтирилган тарзда аниқланиб, улар тизимлаштирилган;

маблағлардан фойдаланиш вариантларини танлаш орқали нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари белгиланган ва улар илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

тармоқ корхоналари олдига кўйилаётган вазифаларни ҳисобга олиб «Ўзбекистон Республикаси нефть-газ корхоналарида асосий капиталга инвестицияларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш махсус Дастури» ишлаб чиқилган;

молиявий дастак ёки молиявий левережни ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш ҳамда ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қарз маблағларни оқилона жалб қилиш – республикамиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари эканлиги асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишончлилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишончлилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтмахсулотлари» ва тармоқнинг бошқа корхоналарининг амалий маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илмий ишни ёзиш жараёнида олинган илмий хулоса ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан республикамиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда, унга тегишли бўлган илмий ишланмаларни яратишда, инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг фундаменталь ва амалий жиҳатларини махсус, чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аввало, тадқиқот жараёнида олинган назарий хулосалар ва услубий тавсиялардан нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш ва уни такомиллаштиришда, уларнинг молиявий таҳлилинини ўтказишда ҳамда давлатнинг мақсадли дастурлари ва қарорларини, шунингдек, келгусида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиялаштириш манбаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва импорт қилишда тўланадиган акциз солиғларини бирхиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-659-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 06/04-02-31/1385-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон нефть-газ корхоналари соф фойдасининг кўпайишига (2019 йилда – 948,0 млрд. сўм, 2020 йилда – 3,6 трлн. сўм) сабаб бўлиб, уларнинг инвестицион фаолиятни молиялаштиришдаги имкониятларини кенгайтирган;

молиялаштиришнинг рисклилик даражасини пасайтириш мақсадида нефть-газ корхоналарида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат кафолатларини жорий қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрельдаги «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4664-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 06/04-02-31/1385-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил якунлари бўйича нефть-газ корхоналарга 80,0 млрд.сўмлик давлат кафолатлари тақдим қилиш имконияти яратилган;

инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни нефть-газ корхоналари устав жамғармасига давлат улуши сифатида капитализациялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрельдаги «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4664-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 06/04-02-31/1385-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида жорий йилнинг апрель ҳолатига тармоқ корхоналарнинг капиталлашув даражасини 48,2 фоизга етказиш имконини берган;

суюлтирилган газ импорти учун божхона божи бекор қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155 фармони 14-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 06/04-02-31/1385-сонли маълумотномаси). Натижада суюлтирилган газ импортёрларида 30,0 млрд сўмга яқин маблағ тежалишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг фундаменталь асослари**» деб номланган 1-бобида инвестициялар, инвестицион фаолият, инвестицион сиёсат ва инвестицион фаолиятни молиялаштириш – Ўзбекистон нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим фундаменталь асослари сифатида талқин қилинган, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш кўламли ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.


Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар тадқиқ этилаётган пайтда, энг аввало, ўзига хос фундамент ролини ўйновчи «инвестициялар», «инвестицион фаолият», «инвестицион сиёсат» ва «инвестицион фаолиятни молиялаштириш» хусусида аниқ позицияга эга бўлмоқ лозим. Шу муносабат билан бу ўринда қуйидагилардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1. Фойда (даромад, наф) ёки бошқа фойдали самара олиш мақсадида субъектлар томонидан харажатлар тарзида нисбатан узокроқ муддатларда жойлаштирилувчи турли кўринишларга эга бўлган маблағлар инвестициялар дейилади.

2. Фойда (даромад, наф) олишни ёки бошқа фойдали самарага эришишни кўзда тутиб, нисбатан узок давом этадиган ва турли маблағлардан фойдаланган ҳолда инвестициялаштириш ёки инвестиция жараёнлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият инвестицион фаолият деб аталади;

3. Инвестицион фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ молиялаштиришни очиш, кредит тақсимловчиларга ресурсларни бериш, пул маблағларининг мақсадли ва иқтисод қилиб самарали сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш инвестицион фаолиятни молиялаштириш дейилади.

Инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи унинг муҳим характерли белгиларини қуйидагича кўрсатиш мумкин (1-расм):




1-расм. Инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи характерли белгилар⁵

Бу масалалар принципиал аҳамиятга эга бўлиб, улар республикаимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришда ўзига хос фундамент ролини ўйнайди.

Диссертацияда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш кўламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлашга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Улар умумлаштирилган тарзда 2-расмда келтирилган ва қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

⁵ Расм тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида капитал қўйилмалар динамикаси ва таркиби⁶

1. Сўнги 30 йилдан кўпроқ вақт давомида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар (капитал қўйилмалар) ўзининг юқори ўсиш суръатларига эга эканлиги билан характерланади. Уларнинг 1990 йилдаги миқдори 833,8 млн. АҚШ доллариغا тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилда 20 099,5 млн. АҚШ доллариغا етган ёки ўша йилга нисбатан 24,1 мартага ортган;

2. Шу даврда инвестицияларни молиялаштириш марказлашмаган манбаларининг таркибида мустақиллик йилларида кескин ўзгаришлар содир бўлган. Агар 1990 йилда улар, асосан, корхоналар маблағлари (41,1 фоиз) ва аҳоли маблағлари (12,6 фоиз) ҳисобидан амалга оширилган бўлса, мустақиллик йилларида уларнинг таркибига банк кредитлари ва бошқа кредит маблағлари, шунингдек, хорижий инвестициялар ва кредитлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган ва маълум бир ижобий натижаларга эришилган. Хусусан, шу муносабат билан капитал қўйилмаларнинг таркибида банк кредитлари ва бошқа кредит маблағлари 2000 йилда 7,2 фоизини ташкил этган бўлса, уларнинг даражаси 2020 йилга келиб 14,1 фоизини ташкил этган;

3. Шу даврда Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар (капитал қўйилмалар) салмоғи улар таркибида камайган. Унинг салмоғи 1990 йилда 46,3 фоизини, 2000 йилда 30,5 фоизини, 2010 йилда 13,0 фоизини ва 2020 йилда эса 19,5 фоизини ташкил этган. Бундай вазиятнинг вужудга келганлигини, фикримизча, ижобий баҳолаш мақсадга мувофиқ. Зеро, бу мамлакатимизда бозор муносабатларининг

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисоб-китоб қилинган ва ишлаб чиқилган.

ривожланаётганлигини ва бу жараёнда хусусий сектор тараққиётига алоҳида эътибор берилаётганлигини аниқлатади;

4. Республикамиз бўйича марказлашмаган инвестицияларнинг таркиби корхона маблағлари, аҳоли маблағлари ҳамда банк кредитлари ва бошқа кредит маблағларидан иборатдир. Уларнинг ўртача салмоғи шу даврда, мос равишда, 1990 йилда – 53,7 фоиз, 2000 йилда – 46,3 фоиз, 2010 йилда – 57,9 фоиз ва 2020 йилда 80,5 фоизга тенг бўлган. Бу, ўз навбатида, инвестицияларнинг шунча қисми хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ва қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини билдиради;

5. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда марказлашмаган инвестициялар таркибида аҳоли маблағларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Бунинг натижасида ушбу мақсадлар учун 1990 йилда 105,0 млн., 2000 йилда 376,6 млн., 2010 йилда 1 554,2 млн. ва нихоят, 2020 йилда эса 1798,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган аҳоли маблағлари жалб қилинган. Бу шу йиллар давомида мамлакатимиздаги капитал қўйилмаларнинг 8,9 фоизидан 16,0 фоизигача аҳолининг жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганлигини билдиради.

Инвестицион фаолиятни молиялаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинаётган пайтда маълум бир даврда, масалан, 1990-2020 йилларда капитал қўйилмалар таркибининг молиялаштириш манбалари бўйича қандай ўзгарганлигига эътибор бериш лозим. Зеро, бу масала инвестицион фаолиятни, шу жумладан, республикамиз нефть-газ корхоналаридаги инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан принципаал аҳамиятга эга. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда бу ўринда қуйидагиларни эътиборга олмоқ лозим деб ҳисоблаймиз:

1. 1990 йилда республикамизда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари 3 гуруҳдан, яъни: а) Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва марказлашган банк кредитлари (46,0 фоиз); б) корхоналар маблағлари (41,0 фоиз) ва в) аҳоли маблағларидан (13,0 фоиз) иборат бўлган;

2. 2020 йилда эса капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ўз ичига: а) Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва марказлашган банк кредитлари (19,5 фоиз); б) корхоналар маблағлари (25,7 фоиз);

в) аҳоли маблағларидан (8,9 фоиз); г) банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (14,1 фоиз); д) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан (14,2 фоиз) таркиб топган.

Бу бандларда қайд этилган ҳолатлар асосида шу даврда капитал қўйилма (инвестиция)лар таркибининг молиялаштириш манбалари бўйича қандай ўзгарганлигига доир, фикримизча, қуйидаги хулосаларни шакллантиришни мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Аввало, мамлакатимизда капитал қўйилма (инвестиция)лар таркибини молиялаштириш манбалари анча кенгайган. Давлат бюджети,

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва марказлашган банк кредитлари; корхоналар маблағлари; ва аҳоли маблағлари каби унинг анъанавий тарздаги маблағлари таркибига қўшимча равишда янги манбалар, яъни банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари; тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; ва ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари пайдо бўлган;

2. 1990-2020 йиллар давомида республикамизда капитал қўйилма (инвестиция)лар таркибини молиялаштириш манбалари салмоғида Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва марказлашган банк кредитлари ҳамда корхоналар маблағларининг салмоғи камайган;

3. Аксинча, республикамизда капитал қўйилма (инвестиция)лар таркибининг молиялаштириш манбаларида анъанавий тарздаги маблағлардан аҳоли маблағлари нисбий ифодада пасайган бўлишига қарамаздан, абсолют суммаларда уларнинг миқдори ортган;

4. Шу давр оралиғида республикамизда капитал қўйилма (инвестиция)лар таркиби молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражаси анча яхшиланган, яъни 1990 йилда бу мақсадлар учун бор-йўғи 3 манбадан фойдаланилган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 2 баробарга ортган;

5. Ҳозирги пайтда республикамиздаги капитал қўйилма (инвестиция)лар таркибининг молиялаштириш манбалари тақдирини, асосан, корхоналарнинг ўз маблағлари (25,7 фоиз) ва хорижий инвестициялар (31,8 фоиз) белгилаб бермоқда. Кўриниб турганидек, ана шу икки манба ҳисобидан капитал қўйилма (инвестиция)ларнинг 55,0-60,0 фоиз молиялаштирилмоқда. Ўз аҳамиятига кўра навбатдаги ўринларда аҳоли маблағлари, Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва марказлашган банк кредитлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари эгалламоқда.


Республикамиз нефть-газ саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришда фақат мамлакатимиз иқтисодиётида таркиб топган реал ҳолатдан келиб чиқиш билан чекланиб қолмаслик керак. Бу жараёнда, шунингдек, яқин йилларда мамлакатимиз нефть-газ корхоналари миқёсида амалга оширилиши лозим бўлган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва уни молиялаштириш амалиёти таҳлили»** деб номланган 2-бобида бу корхоналар инвестицион фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва ўзига хос бўлган тенденциялари ҳамда нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари, тартиби ва муаммолари таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

Мамлакатимиз нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш

билан боғлиқ бўлган масалалар диссертацияда: а) инвестицияларнинг умумий таркиби ва таркибий тузилмаси; б) асосий капиталга инвестицияларнинг таркиби ва таркибий тузилмаси; в) инвестицияларнинг технологик таркиби ва таркибий тузилмаси; г) асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби ва таркибий тузилмаси орқали ўз аксини топувчи инвестицион фаолият; д) асосий капиталга инвестициялар молиялаштириш манбаларининг таркиби ва таркибий тузилмаси; е) асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича умумий иқтисодий самарадорлиги; ё) асосий капиталга инвестицияларнинг қопланиш кўрсаткичлари; ж) бевосита (тўғридан-тўғри) хорижий инвестицияларнинг кўлами орқали ифодаланувчи инвестицион фаолият кетма-кетлигида кўриб чиқилган. Таҳлил натижалари турли диаграмма, график ва чизмалар кўринишида расмийлаштирилган. Шунингдек, бу ерда республикаимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари, тартиби ва муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Жумладан, мамлакатимиз нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби уларнинг ўз маблағлари, хорижий инвестициялар, қарз маблағлари ва бошқалар (хусусан, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари)дан иборат бўлиб, бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос бўлган хусусиятларга эга (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таркиби ва таркибий тузилмаси⁷

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида диссертант томонидан ҳисоб-китоб қилинган ва ишлаб чиқилган.

Унинг ўзига хослиги, энг аввало, республикамиз нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаларида, хусусан, айрим йиллари бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан ҳам фойдаланилаётганлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, бу мақсадлар учун 2014 йилда 40,7 млрд. сўмлик ва 2018 йилда эса 4 907,4 млрд. сўмлик бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларидан манба сифатида фойдаланилган.

Бизнингча, бюджетдан ташқари фондлар маблағлардан мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда манба сифатида фойдаланилаётганлиги, энг аввало, бу корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эгаллиги ва шунга боғлиқ равишда баъзи йилларда улар ривожланиш суръатларини таъминлашда давлат иштирок этишининг зарурлиги билан белгиланади.

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришда мамлакатимиз нефть-газ корхоналари томонидан (Ўзбекистон ҳукуматининг иштирокисиз ва кафолатисиз) бевосита хорижий инвестициялардан фойдаланиш таҳлил қилинаётган 2011-2020 йиллар давомида доимий (ҳар йиллик ёки йилма-йил) характерга эга бўлмаса-да, улардан манба сифатида шу даврда 5 марта фойдаланилган ва уларнинг йиллик суммаси 35,6 млрд. сўм дан (2012 йил) 1 307,4 млрд. сўмгача (2020 йил) етиб борган. Бироқ, 2013, 2015-2018 йиллар давомида улардан молиялаштириш манбаи сифатида умуман фойдаланилмаганлиги бу жойда каттагина захираларнинг мавжудлигидан дарак беради.

Назаримизда, мамлакатимиз нефть-газ корхоналари доирасида амалга оширилаётган инвестицион фаолиятни молиялаштиришда қарз маблағларидан фойдаланиш ҳам ўз хусусиятига эга. Зеро, таҳлил қилинаётган йилларнинг тўрт йилида (2013, 2015, 2016 ва 2018 йиллар) улардан молиялаштириш манбаи сифатида умуман фойдаланилмаган. Бунинг устига, манба сифатида фойдаланилган қарз маблағларнинг турли йиллардаги миқдори ҳам турлича. Масалан, ушбу мақсадлар учун 2014 йилда 0,4 млрд. сўм жалб қилинган бўлса, унинг 2017 йилдаги сўммаси эса 1962,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, яъни тўғридан-тўғрига таққослаганда, таъкидланган йилдаги даражадан 4 906 марта кўп бўлган. Шунингдек, сўнгги икки йил (2019 ва 2020 йиллар) давомида ҳам манба сифатида бу маблағларнинг даражаси сезиларлидир.

Умуман олганда, республикамиз нефть-газ корхоналарида баъзи йилларда (2012, 2019 ва 2020 йиллар) инвестицион фаолиятни амалга оширишда қарз маблағлари 10,0 фоиздан ортиқ ва айрим йилда (2017 йил) эса қарийб 56,0 фоизгача манба сифатида фойдаланилаётган экан бу корхоналарда ушбу манбадан инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаи сифатида етарли даражада фойдаланилмапти, деб хулоса чиқаришга асос бўлаолади. Шунинг учун муаммонинг бу жиҳати Ўзбекистонда нефть-

газ корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришда ҳисобга олиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

Маълумотлар таҳлили мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга оширишда 2011-2020 йиллар давомида доимий равишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келган манба шу корхоналарнинг ўз маблағлари эканлигини ҳам кўрсатмоқда. Аммо бу корхоналарда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаи сифатида йўналтирилган бу маблағларнинг умумий миқдори шу йиллар оралиғида бекарорлик тенденциясига эгадир.

Мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг таркиби ва таркибий тузилмаси нуқтаи-назаридан вужудга келган ва юқорида қайд этилган вазиятлардан, фикримизча, молиялаштиришни оптималлаштириш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан турли-туман йўналишларга эга бўлган бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин:


а) мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг, асосан, ўз маблағлари ҳисобидан (айрим йилларда тўлиқ, яъни 100,0 фоиз) амалга оширилганлигини ижобий баҳолаш ўзининг етарли даражадаги асосига эга эмас. Чунки, умумэътирофга кўра (бозор иқтисоди ҳам шуни тақозо этади ва у исбот талаб этмайди) ҳар қандай мақсадлар, шу жумладан, инвестицион фаолиятни молиялаштириш учун ҳам фақат ўз маблағларидан фойдаланиш ҳамма вақтда ҳам ўзининг ижобий ёки юқори самарасини беравермайди;

б) инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун ўз маблағларининг ўрнига қарз маблағларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини амалиётнинг ўзи ҳам бир неча позицияларда кўрсатмоқда;

в) нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг умумэътироф этилган диверсификацияланиши нуқтаи-назаридан қаралганда ҳам мамлакатимизда бундай вазиятнинг вужудга келганлигини ҳамма вақт ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди;

г) рисклилик даражаси нуқтаи-назаридан қаралганда ҳам бу ўринда ушбу корхоналарда ўз маблағларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳал бўлмаслиги, бизнингча, шубҳасиз.

Шундай бўлишига қарамасдан, бу ерда тегишли якуний молиявий қарорларни қабул қилаётганда яна бир неча ҳолатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда: а) мамлакатимиз нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича умумий иқтисодий самарадорлиги ҳамда уларнинг олдинги йилга нисбатан ўзгаришини аниқлаш; б) мамлакатимиз нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича қопланиш кўрсаткичлари динамикасига баҳо бериш назарда тутилаяпти (3-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикаси нефть-газ корхоналаридаги асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича умумий иқтисодий самарадорлиги ҳамда уларнинг олдинги йилга nisbatan ўзгариши⁸

Мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида кейинги 10 йилликдаги асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги учун беқарорлик хос бўлиб, у nisbatan ўзининг пастлиги билан характерланади. Бунинг устига, умумий тарзда ва унинг алоҳида олинган тармоқларида ҳам инвестициялар баъзи йилларда иқтисодий самара бермаяпти ва зарар келтираяпти. Албатта, бундай ҳолатнинг вужудга келиш сабаблари жуда кўп. Улардан бири эса уларни молиялаштириш масалаларига бориб тақалиши, табиийдир.

Тадқиқот ишининг 3-боби «Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг замонавий ва истиқболли йўналишлари» деб номланган бўлиб, унда ушбу масалалар: а) ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қарз маблағларини оқилона жалб қилиш – Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари сифатида; б) маблағлардан фойдаланиш вариантларини танлаш – Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналиши аспектида кўриб чиқилган.

Мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш учун, энг аввало, ўз маблағларидан фойдаланишга nisbatan муносабатни кескин ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Бу қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1. Республикамиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ўз маблағларидан

⁸ Тегишли корхоналарнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

асосий манба сифатида фойдаланишга нисбатан муносабатни ўзгартириш, аввало, улардан юқоридаги масштабларда (деярли 100,0% атрофида) фойдаланмасликка нисбатан у ёки бу тарзда маълум бир талабнинг қўйилишини билдирмайди. Бунинг сабаби шундаки, амалиётда инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ҳақиқатдан ҳам шундай вариантдан фойдаланиш сари юз тутилиши мумкин. Бироқ, бизнингча, бундай вариантдан фойдаланиш, бошқа бир томондан, инвестицияларнинг самарадорлик ва қопланиш даражалари маълум бир давр оралиғида ижобий йўналишга эга бўлишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак;

2. Мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда фақат ўз маблағларидан фойдаланилса-ю, бунинг оқибатида инвестицияларнинг самарадорлик ва қопланиш кўрсаткичлари паст ёки улар салбий характерга эга бўлса, у ҳолда ушбу мақсадларга эришишда бундай вариантдан фойдаланиш ўз маъносига эга эмас. Чунки бунинг натижасида маблағларнинг самарали сарфланиши таъминланмайди;

3. Бу ўринда республикаимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда фақат ўз маблағларидан фойдаланиланишни замонавий бозор иқтисодининг тегишли талаблари, рисклилиқ, молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражаси ва ҳ.к.лар нуқтаи-назаридан олиб қараганда ҳам ижобий баҳолаб бўлмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз;

4. Табиийки, бундай шароитда мамлакатимиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ўз маблағларидан асосий манба сифатида фойдаланишга нисбатан муносабатни ўзгартириш бундай фаолиятни молиялаштиришда ўз маблағларидан фойдаланиш салмоғини пасайтириш ва аксинча, қарзий маблағлар ҳамда бошқа жалб қилинадиган маблағлар салмоғини ошириш йўналишида амалга оширилиши керак;

